



ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАГИ МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Валижонов Акмал Рахимович

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тадқиқотлар маркази бўлим мудирини, и.ф.н.

Тел. 712592254, e-mail: research@davaktiv.uz
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8296376>

ARTICLE INFO

Received: 23th August 2023

Accepted: 28th August 2023

Online: 29th August 2023

KEY WORDS

Хўжалик жамияти, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, мулк, мулккий муносабатлар, эгалик қилиш, фойдаланиш, акция, улуш, хусусийлаштириш.

ABSTRACT

Мақолада тадбиркорлик субъектларининг кенг тарқалган шакли бўлган хўжалик жамиятларидаги мулкчилик муносабатларининг мазмуни ва моҳияти тадқиқ этилган. Ишда мулк ва мулккий муносабатлар тушунчалари, уларга берилган таърифлар таҳлил этилган. Акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятлардаги мулкчилик муносабатларининг фарқли жиҳатлари аниқланган.

КИРИШ

Хўжалик жамиятлари, яъни масъулияти чекланган жамиятлар ва акциядорлик жамиятлари мамлакатимизда фаолият юритаётган юридик шахсларнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бугунда иқтисодийнинг турли тармоқларида тадбиркорлар айнан хўжалик жамиятларини ташкил этган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошироқдалар. Ушбу юридик шахслар жамиятда улушдор ва акциядор шаклидаги мулкдорлар синфини шаклланиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мулкдорлар тўғрисида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: “Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин” [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Корпорацияларда мулкчилик, акциядорлар орасидаги муносабатлар ва хусусийлаштиришнинг корхоналарга таъсири масалалари хорижий олимлардан Р. Ла Порта, Ф. Лопес-де-Силанес ва А. Шлайфер, К.Коглианезе, Т.Хили, Э.Китини, А.Радыгин, Р.Энгов асарларида ўрганилган. Корпоратив тузилмаларнинг, жумладан акциядорлик жамиятларининг шаклланиши, уларда корпоратив бошқарув ва мулкчилик муносабатларини ривожланиши муаммоларини мамлакатимиз олимлари Б. Беркинов, Н. Хамрахужаев, Д. Суюнов ҳамда бошқа бир қатор тадқиқотчилар ўз илмий ишлари ва асарларида тадқиқ этишган.



Тадқиқот давомида мавзуга доир концептуал ёндашувларни илмий тадқиқ қилиш, умумлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, тизимли таҳлил, қиёсий ва эксперт таҳлил ҳамда баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услублардан фойдаланилди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Инсоният тараққиётининг барча даврларида мулк, мулк ҳуқуқи ҳамда мулкрий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган ва улар жамиятнинг ривожланиши даражасини белгилаб берувчи асосий воситалардан ҳисобланган.

Инглиз классик иқтисодиёти вакиллари А.Смит ва Д. Рикардо мулк назариясини янада ривожлантирдилар. Улар таъкидлар эдиларки, ҳар бир индивидуум ўзига тегишли бўлган мулкни эркин бошқара олиши мумкин, яъни тадбиркор ўзининг капиталини, ер эгаси ерни, ёлланма ишчи меҳнатга бўлган ўз қобилиятини бошқара олади. Уларнинг эътироф этишича, энг яхши иқтисодий тизим бўлиб хусусий мулк ҳуқуқи максимал тарзда амалга ошириладиган тизим ҳисобланади. Унда ҳар бир инсонга ўз меҳнати ва капиталини ўз иродасига мувофиқ, қонунни бузмаган ҳолда эркин ишлатиши орқали бошқа шахсларнинг меҳнати ва капитали билан рақобат қилиш имконияти берилди [2]. Улар ҳақиқатда хусусий мулкнинг иқтисодий асосини белгиладилар ва уни ишчининг меҳнати орқали яратилган фойда, фоиз ва рента шаклида яратилишини асосладилар.

Нобел мукофоти соҳиби Рональд Коуз ва бошқа неонституционалистларнинг фикрича, мулк ҳуқуқи манбаларнинг чекланганлиги ва уларни ишлатиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган инсонлар ўртасида кундалик муносабатлардир. Бошқача айтганда, ушбу муносабатлар чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи меъёрларни, расмий ва норасмий қоидаларни белгилайди ҳамда жамиятдаги иқтисодий фаолият уларга мувофиқ амалга оширилади [3].

Мулк тушунчасига берилган таърифларнинг деярли барчасида мулкрий муносабатлар тушунчаси учрайди.

Мулкрий муносабатлар – инсонлар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ёки бошқа фойдаланиш объектларига мулкнинг маълум бир шаклига асосланган биргаликдаги фаолияти [4].

Лекин, ушбу таърифда мулкрий муносабатлар фақат инсонлар (жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатлар билан чекланган. Аммо, бугунги ривожланган иқтисодиётда мулк субъектлари сифатида нафақат инсонлар, балки юридик шахслар ҳам кенг тарзда юзага чиқмоқда. Шу маънода мулкрий муносабатларга қуйидаги таъриф кўпроқ мос келади.

Мулкрий муносабатлар – иқтисодий субъектлар ўртасида мулк объектлари, уларни бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиши, мулкни бўлиш, янги мулкдорларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир [5].

Мулк муносабатларида асосий белгиловчи омиллардан бири, бу мулк шаклидир. Бундан ташқари мулк шакли ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятини ҳам белгилайди, жамиятда бир қанча мулк шаклларидаги мавжуд бўлиши эса иқтисодиётда рақобат муҳитини юзага келтиради.



Мулк шакли, бу мулкни унинг субъекти бўйича аниқланишидир. Бошқача айтганда мулк шакли турли хил объектларнинг бир хил характердаги субъектларга тегишли эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда хусусий мулк улушини ошириш ва иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини шакллантиришга эътибор қаратилди. Ўзбекистонда собиқ иттифоқ давридаёқ биринчилардан бўлиб 1990 йил 31 октябрда «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонунда хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳолатлари эътироф этилди. Унга мувофиқ хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатлиги, хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкинлиги белгиланди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши мулк муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Кодексга мувофиқ, мулкнинг икки шакли мавжуд бўлиб булар оммавий мулк ва хусусий мулкдир.

Кодексда хусусий мулк ҳуқуқи тушунчаси қуйидагича таърифланади: хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк моҳиятини Кодексда кўрсатиб ўтилган унинг субъектларидан ҳам тушуниш мумкин. Кодексда фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар деб таъкидланади.

Ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналардаги мулкчилик муносабатлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Акциядорлик жамиятида мулкчилик муносабатлари бу акциядорлар ва акциядорлик жамияти ўртасидаги ҳамда акциядорларнинг ўзининг ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Акциядорлик жамиятининг акциядорлари (таъсисчилари) жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва фақат акциялари қиймати доирасида уни йўқотиш хавф-хатарига эгалар. Жамият ҳам ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Акциядорлик жамиятларида мулкчилик муносабатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири, бу акциядорлар ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг акциялар орқали тартибга солинишидир. Жамият мол-мулкнинг асосини ташкил этувчи устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

Иқтисодий адабиётларда акция тушунчасига бир қатор таърифлар келтирилган бўлиб, улар мазмун жиҳатидан бир биридан тубдан фарқланмайди.

Акция (французча action сўзидан) бу, акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганликдан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига фойданинг бир қисмини олиш ва одатда, ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоздир [6].



Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунида акция тушунчаси қуйидагича таърифланади: акция - ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоздир.

Одатда, кредит қуроллари бўлган ва кредит муносабатларини ўзида акс эттирган бошқа қимматли қоғозлар турларидан (облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари) фарқли ўлароқ, акция мулкий муносабатларни тартибга солувчи воситадир. Унинг эгаси акциядорларнинг умумий йиғилишида у ёки бу қарорга ўз овозини берган ҳолда акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, акция бу ўз эгасига акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш, даромадларининг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи амал қилиш муддати чекланмаган ва мавжуд бўлишлиги уни муомалага чиқарган жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган қимматли қоғоздир.

Облигация ва имтиёзли акцияга нисбатан оддий акция эгалари акциядорлик жамиятига нисбатан кўпроқ номодий характерга эга бўлган мулкий ҳуқуқларга эга бўлиб, улар кўпроқ корпорацияни узоқ муддатли ривожланишидан манфаатдор.

Акцияларга очиқ обуна ўтказган акциядорлик жамияти акциясининг эгаси (акциядор) ўз акцияларини ёки уларнинг бир қисмини бошқа шахсларга эркин тарзда бериши (сотиши, совға қилиши, мерос қолдириши) мумкин. Акциядорлик жамиятларининг бошқа хўжалик жамиятларидан, жумладан, масъулияти чекланган жамиятларидан асосий фарқи ҳам шунда.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларда жамият ва иштирокчи ҳамда иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар уларнинг жамият устав фондидаги улушлари орқали тартибга солинади.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардаги улушларнинг акциядорлик жамиятлардаги акциялардан асосий фарқи акциялар қимматли қоғоз ҳисобланса, улушлар иштирокчиларнинг мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқлари йиғиндисини ифодалайди.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларда акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда иштирокчилар ўртасида муносабатлар яқинроқ ва кўпроқ ўзаро ишончга қўрилган ҳисобланади. Жумладан, жамият иштирокчилари бошқа иштирокчи улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни (улушининг бир қисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, жамият ўзининг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушининг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқга эга бўлади.

Бундан ташқари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият иштирокчиси ўзига тегишли бўлган улушни (улушни бир қисмини) жамият томонидан қайтариб олинишини талаб қилишга ҳақли. Улушини қайтариб олинишини талаб



қилаётган шахс йирик улушдор бўлса, ҳамда унинг улуши мол-мулк сифатида киритилган ва жамият ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлса, бундай ҳолатларда улушнинг қайтариб олиниши жамиятнинг молиявий аҳволини ёмонлашувига, ҳаттоки, унинг фаолияти тугатилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли жамиятнинг барқарор фаолият олиб бориши унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустақамлигига ҳам албатта, боғлиқ бўлади.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларда акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари қонун билан ҳам белгиланган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу мақола доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар олинди:

хўжалик жамиятларида мулкчилик муносабатларининг асосий жиҳати акциядорлик жамиятида акциядорлар ва акциядорлик жамияти ўртасидаги мулккий муносабаталар акциялар орқали, масъулияти чекланган жамиятларида улушдорлар ва масъулияти чекланган жамият ўртасидаги муносабатлар улушлар асосида амалга оширилишида ҳисобланади;

хўжалик жамиятлари мамлакатда акциядор ва улушдор шаклидаги мулкдорларнинг вужудга келишига хизмат қилади. Бугунда акциядорлик жамиятларида давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолмоқда. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотларига кўра 2023 йил 1 январь ҳолатига республикадаги 223 та акциядорлик жамиятида давлат улуши мавжуд бўлиб, унинг номинал қиймати 134575,4 млрд. сўмни ёки мамлакатимиздаги барча акциядорлик жамиятлари акцияларининг номинал қийматининг 80,7 фоизини ташкил этган [7]. Ушбу акциядорлик жамиятларида давлат иштирокини қисқартириш имкониятларини аниқлаш ва хусусий сектор улушини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

хўжалик жамиятларининг улушдорлари ўзларининг мулккий ҳуқуқларини асосан ушбу жамиятларнинг бошқарув органлари орқали амалга оширишади. Демак, хўжалик жамиятларидаги мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2022 йил 20 декабрь. (<https://president.uz/uz/lists/view/5774>).
2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М., 1962.-с.332.
3. Коуз Р. Фирма, рынок и право. –М.: Дело Лтд.1993.-с.28-29.
4. Большой экономический словарь под редакцией А.Н. Азрилияна.- М.1999.-1248с.
5. Борисов А.В. Большой экономический словарь. М.2002г.-895с.
6. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг. –Учебник для вузов. –Т.: «Консаудитинформ», 2001.-472с.
7. https://deponet.uz/sites/default/files//editor/faoliyat_natijalari_2022_ru.pdf.